

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД-5111400-2.06

2016 йил "9" 01



МАМЛАКАТШУНОСЛИК
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	- Педагогика
	120 000	- Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5111400	- Хорижий тил ва адабиёти (немис тили)
	5120100	- Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили)
	5120200	- Таржима назарияси ва амалиёти (немис тили)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Дадаходжаева М.С. - ЎзДЖТУ “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, п.ф.н.

Такризчилар:

Имяминова Ш.С. - ЎзМУ “Немис филологияси” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Исмоилов Ю.Н. - ЎзДЖТУ “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Мамлакатшунослик фанидан дастур Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Республикада чиқарилган қарор ва фармонларга ҳамда чет тилларни ўзлаштириш Умумевропа даражалар тизимига асосланиб тузилди.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва техниканинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун бир неча чет тилларини мукамал билишни тақозо этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро ҳужжатларга асосланган узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини жорий этиш орқали таъминланади. Ушбу ўқув дастур Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжати умумэътироф этилган халқаро меъёрларидаги талабларга биноан ишлаб чиқилди ва у талабаларнинг коммуникатив, лингвистик, социо-лингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умум-маданий компетентлигини интеграллашган ёндашув асосида ривожлантиришни кўзда тутади шу билан бирга социо-лингвистик ва умум-маданий компетенциялари мазкур дастурда доминант ролини ўйнаши кўзда тутилган.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Ҳозирги даврда Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан, шунингдек немис тилида сўзлашувчи мамлакатлар билан кенг қамровли алоқалар ўрнатганлиги ҳаммага маълум. Шу боисдан университетлар ва педагогика институтлар олдида катта маъсулиятли вазифалар турибдики, бу нафақат лингвистик билимларни, балки нолингвистик билимларга эга бўлишни тақозо этади. Бу борада мамлакатшунослик фанининг аҳамияти катта, чунки

ундаги қўйилган вазифалар ёрдамида ўхшашлик ва тафовутни билиш шакллантирилади ва шу билан бирга маданиятлараро мулоқотни ривожлантиради.

Фаннинг ўқитишдан мақсад - талабаларда тили ўрганилаётган мамлакатлар географияси, тарихи, адабиёти, санъати, фан ва маданияти, таълим тизимини шунингдек ўзларини ўраб турган атроф муҳит ҳақидаги маълумотлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни ҳамда социо-лингвистик ва умум-маданий компетенцияларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси - талабалар дунёқарашини, эстетик дидини, мустақил фикрлаш қобилиятини, хотирасини, ақлий меҳнат маданиятини, мулоқот маданиятини, мустақил билим олиш малака ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Мамлакатшунослик” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- Германия ва немисзабон мамлакатлари сиёсий иқтисодий географияси назарий билимларини; тарихий ривожланиши ва замонавийлиги нуқтаи назаридан иқтисодий, ижтимоий – сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги геополитик ўрнини билиши ва улар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши керак;
- луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак;
- Германиянинг тарихий ва ижтимоий – сиёсий ривожланишини таҳлил қилиш; ўша ерда яшовчи халқларнинг тарихий ўзаклари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши билан бирга, уларнинг урф-одатлари ва маданиятлари ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиши лозим.
- Немис тилида сўзлашувчи давлатлар тизими, рамзи, административ бўлиниши, таълим тизими турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида

ўз фикр-мулоҳаза ва хулосаларини аниқ ва эркин баён эта олиш малакаларига эга бўлиш керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Мамлакатшунослик фани математик ва табиий –илмий фанлар блокидан ўрин олган бўлиб, ўрганилаётган чет тилида олиб борилади. Фан 3-4 семестрда ўқитилади. Мамлакатшунослик фани нафақат чет тили, балки тилшунослик, лексикология, фалсафа, сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилади. Улар биргаликда талабаларнинг маълум тарзда баркамол шахс бўлиб етишларига хизмат қилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Мамлакатшунослик фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Мамлакатшунослик фани талабаларнинг луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилишларига, ҳозирги замон немис тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишларига ёрдам беради. Бундан ташқари, мазкур фан фанлараро алоқаларни амалга ошириш билан бирга немис адабиёти тарихи, халқи маданияти билан яқиндан таништиради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Фанни ўзлаштириш учун интернет манбаларидан, видео ва аудио материаллардан фойдаланиш, ситуатив машқлар, интерактив усуллар, аклий ҳужум, мулоқат, фикр алмашиш, бахс мунозара, презентация, қиёсий таҳлил қилиш, суҳбатлар ўтказиш каби дарс жараёнида кенг қўлланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Бугунги кунда мамлакатшунослик фани чет тилларни ўргатишнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Сўнгги йилларда ўрганилаётган мамлакатшунослик фани кўплаб чет тили ўқитувчиларини ва ўрганувчиларнинг эътиборини жалб қилмоқда, чунки бу фан ёрдамида фикрлаш, билим ва жамиятнинг маданий алоқалари, ҳамда талабаларнинг ўзига хос дунёқарашларини шакллантириши мумкин.

Мамлакатшунослик фанини ўзлаштириш жараёнида таълимнинг бакалавр босқичи талабаларидан ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларида немис тили фани орқали олинган назарий ва амалий билимларни эгаллаш ва уни такомиллаштириш талаб қилинади.

Ушбу фаннинг асосий ўқув материали сифатида аутентик материаллар, аудио-видео тасмалар орқали маълумотлар, слайдлар, турли ҳил иллюстратив материаллар, газета ва журналлар, коллажлар ва бошқа турли ҳил кўргазмали қуроллар бўлиб ҳисобланади.

“Мамлакатшунослик” фанининг предмети, вазифаси

Мамлакатшунослик фанининг предмети, вазифаси, ўрганиш объекти. Мамлакатшунослик фанини ўқитишга ёндашувлар: коммуникатив, маданиятлараро мулоқот.

Немис забон давлатларининг административ бўлиниши

Германиянинг 16 та, Австриянинг 9 та вилоятлари, Швецариянинг 26 та кантиони ва уларнинг хусусиятлари, саънати, пойтахтлари, саноати, қишлоқ хўжалиги, географик жойлашуви, ер майдони, аҳолиси, тили, ландшафти.

Немис забон давлатларининг қурилиши

Давлат тимсоллари, сиёсий партиялар ва тузилмалар, сайловлар, касаба уюшмалари, ижтимоий ҳимоя, олий суд, давлат қомуси, парламент, давлат тили, дини.

Германия: Бундеспрезидент, ҳукумат раҳбари Бундесканцлер, Федерал конституция суди.

Австрия: давлат раҳбари – бундеспрезидент, федерал ҳукумат раҳбари – бундесканцлер, бундесрат (федерал ҳукумат) федерал ўлкалар парламенти, националрат (миллий мажлис), икки палатали, муҳофаа

Швейцария: федерал кенгаш – федерал президент, маҳаллий бирлик, Кантонлар (ўлкалар), миллий-доимий кенгаш, нейтраллик, марказлашган федерал давлат, рим бошқаруви, миграция ҳаракатлари, Конституция, парламент, икки палатали тизим.

Лихтенштайн: графлик, байроғи, рамзи, мамлакат конституцион монархия, ўлка графлиги, ижроия кенгаш, юридик бошқарув –ландтаг.

Немис забон давлатлар тарихи

Немис халқининг келиб чиқиши тарихи: 1848 йил революцияси, Министрпрезиденти ва Райхканцлер Отто фон Бисмаркнинг сиёсати; Норддейче Бунт, Ваймар Республикаси 1918/19; биринчи жаҳон уриши 1914-1918; Учинчи Рейх (1933-1945); Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши 1939; Нюрнберг процесси 1949-1990; Икки давлатлилик; Биринчи Бундесканцлер Конрад Аденауер; Вилли Бранд ва унинг сиёсати; Икки давлатнинг қайта қўшилиши; Икки плюс тўрт шартномаси.

Немис забон давлатларининг иқтисодиёти

Саноат тармоқлари, оғир саноат, қишлоқ хўжалиги, электроника, хизмат кўрсатиш, банк тизими, тадбиркорлик, савдо алоқалари, ҳамкорлик, иқтисодий муносабатлар.

Таълим турлари

Таълим сиёсати йўналишлари, бошланғич таълим, умум-, асосий- мактаблар, гимназия, касб- хунар мактаблари, махсус-, хусусий мактаблар, ўқитувчилар салоҳияти, олий таълим. Зекундарберайх I ва Зекундарберайх II; Дуал тизими, Олий таълим тизими ва унинг турлари, бакалавр ва магистратура тизими, аттрактив соҳалар.

Ёшлар ҳаёти

Ёшлар-, ташкилотлари, эркин иш соатлари, спорт мусобақалари, ёшлар таълим йўналишлари, ёшлар дам олиши, халқаро ёшлар ташкилотлари, ёшлар тарбияси, ёшлар маданийтадбирлари, ёшлар меҳнат ташкилотлари, ёшлар ижтимоий ҳаракатлари.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

Немис тилида сўзлашувчи давлатлар Германия, Австрия, Швейцария, Лихтенштейннинг:

- Географик ўрни: чегараси, ландшафти, аҳолиси, ер майдони
- Давлат тизими.
- Тарихи: 1945 гача, 1945 дан 1990 гача ва ҳозиргача бўлган даврлар
- Таълим тизими: Зекундарштуфе I ва Зекундарштуфе II

- Иқтисодиёти: саноат соҳалари
- Ёшлар ҳаёти: уларнинг бўш вақтлари, қизиқишлари
- Ўзбекистон билан ўзаро алоқалари

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича тавсиялар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича;
- фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Немис тилида сўзлашувчи давлат рамзлари (герб, байроқ, мадҳия)
2. Немис тилида сўзлашувчи давлатлар хариталарини тайёрлаш

3. Немис тилида сўзлашувчи давлатларнинг давлат қурилиш формалари, уларнинг вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари
4. Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий алоқалар
5. Ўзбекистон ва немис тилида сўзлашувчи давлатлар халқининг урф-одатлари, миллий байрамлари ва анъаналари
6. Германия ва Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг билим олиш ва дам олиш имкониятлари ҳақида
7. Германия ва Ўзбекистонда таълим тизим
8. Ўзбекистон ва Германияда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни
9. Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама иқтисодий, маданий алоқалар
10. БМТ га аъзо бўлган мамлакатлар ҳақида (немисзабон давлатлар мисолида)
11. Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар (немис тилида сўзлашувчи) давлатлар
12. Немис ва ўзбек бастакорлари ҳақида
13. Нейтрал давлатлар (Австрия, Швейцария, Лихтенштейн) мамлакатлари ҳақида
14. Гёте институтда ҳамда ДААД нинг фаолияти ва Ўзбекистонда ушбу ташкилотлар билан алоқалар
16. Германиялик Нобел мукофоти лауриатлари
17. Австрия ва Швецариялик Нобел мукофоти лауриатлари
18. Ўзбекистонда таъсис этилган давлат мукофоти

Дастурнинг инфор­мацион – услубий таъминоти

Мамлакатшунослик фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методларидан, яъни электрон почта, чат каналлари ва виртуал ҳақиқийликни ўзида жамлаган интернетдан фойдаланиш лозим, яъни электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш, тақдимот технологиялари ва интернет тармоғидан мақсадли фойдаланилади. Амалий машғулотларда аклий

хужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот, кейс стади каби усул ва техникалар кенг қўлланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Tatsachen über Deutschland. Frankfurt/Main, 2005/2006/2008/2010.
2. Transparente Landeskunde. Bonn, 1992.
3. Übersichten der BRD und ihre Länder. Bonn, 1993.
4. Дадаходжаева М.С. Landeskunde. Ташкент, 2011.
5. Zur Orientierung. Basiswissen Deutschland. Ismaning: Hueber, 2006.
6. 30 Stunden Deutschland. Materialien für den Orientierungskurs. Ismaning: Hueber, 2007.

Қўшимча адабиётлар:

1. Wolfgang Kraus „Zukunft Europa“ Frankfurt am Main, 1993.
2. Kürschners Volkshandbuch. Deutsch Bundestag. Neue Darmstädter Verlagsanstalt, Rheinbreitbach, 2004
3. Schick-Schreiner. So arbeitet der Deutsche Bundestag. Neue Darmstädter Verlagsanstalt, Rheinbreitbach, 2003
4. Renate Georges. So arbeiten Regierung und Parlament. Neue Darmstädter Verlagsanstalt, Rheinbreitbach, 1992.
5. Deutschland in Geschichte und Gegenwart. 2000.
6. Friedrich Koja – Gerald Stourz. „Schweiz-Österreich“ Hermann Böhl – aus Nacht. Wien. Köln. Graz, 1986.
7. Wirtschaft auf Deutsch. München, 1992.

Интернет сайтлар:

1. www.goethe.de
2. www.langenscheidt.de
3. www.bundesregierung.de
4. www.uni-bochum.de
5. www.tatsachen-ueber-deutschland.de
6. <http://www.bpb.de>
7. http://www.kulturdolmetscher.de/kultur/deutsche_feste_und_braeuche.html

